

Биз ушбу муаммони атрофлича ўрганиб, амалиётнинг талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унинг таркибига 16 та мавзунини киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Яъни бошқарув ҳисобининг қуйидаги таркиби тавсия қилинмоқда.

1. Бошқарув ҳисобининг назарий асоси.
2. Бюджетлаштириш (режалаштириш).
3. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот тан-нархини калькуляция қилиш.
4. Бошқарув ва молиявий ҳисобдаги харажат гуруҳларини ўзаро мувофиқлаштириш.
5. Бошқарув ҳисоби учун счетлар режаси.
6. Ички хўжалик бўлимлари ўртасида трансферт баҳони ташкиллаштириш.
7. Истеъмол жараёнлари ҳисоби, бозорни ўрганиш, истиқболли режалаштириш.
8. Харажатлар динамикаси. Фойдалилик нуқтаси таҳлили.
9. Бошқарув ҳисоби орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш.
10. Айланма маблағларни бошқариш.
11. Молияни бошқариш.
12. Ишлаб чиқариш ва захираларни бошқариш.

13. Бошқарув ҳисобида миқдорий усул.
14. Узоқ муддатли капитал қўйилма ва инвестициялар.
15. Харажатларнинг норматив ҳисоби.
16. Харажатларнинг тебраниши ва тақсимланиши.

Тавсия қилган мавзуларимиз бошқа қайси олимлар билан тўғри келиши ва қайси жиҳатлари билан фарқ қилишини билиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1-жадвал).

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолатларни эътиборга олдик:

Биринчидан, бошқарув ҳисоби мустақил фан даражасига кўтарилдими, унинг назарий асоси бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, ҳар бир фаннинг ўзига хос мустақил соҳаси бўлишини тақозо этади. Шу туфайли тавсиямизда бошқарув ҳисобининг назарий асосига алоҳида ўрин берилган.

Фикримизча, тавсия қилинаётган бошқарув ҳисобининг таркиби нафақат назарий, балки амалий талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради ва улар мазкур фаннинг бозор муносабатлари шароитида мазмунини тўлиқ ифода этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Друри К. *Управленческий и производственный учет.* – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2019г. -12 стр.
2. Хасенова К., Зейнуллина А., и др. *Формирование и развитие научной концепции управленческого учета.* научная статья. Научная электронная библиотека elibrary.ru, 2019г.
3. *Бухгалтерский учет в современных бизнес-структурах. The accounting in the modern business structures [Электронный ресурс]: Монография / М.А. Вахрушина [и др.]; Финуниверситет, Департамент учета, анализа и аудита; коллектив авт. под ред. М.А. Вахрушиной. — Электронные данные. – Москва: Финуниверситет, 2017.*
4. Хасанов Б.А. *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.* – Т.: Молия, 2003. 43 бет.
5. *Управленческий учет. Учебное пособие. Агентство США по межд. Развитию.* -Т: 2020. 228стр.
6. *Рей Вандер Вил, В. Палий. Управленческий учет. пособие* – М.: Инфра-М, 1997г. 478 стр.
7. Ч.Т. Хорнгрен, Дж. Фостер. *Бухгалтерский учет: Управленческий аспект.* –М.: Финансы и статистика. 2008 г., 416 с.
8. Хасанов Б.А. *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография.* – Т.: Молия, 2003. - 248 б.;
9. Абдуғаниев А.А. *Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолар, уларнинг ечимлари. Монография.* – Т.: ТМИ, 2003. - 275 б.
10. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. *Бошқарув ҳисоби.* – Т.: Тафаккур нашриёти, 2014. – 160 б.



**СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН
ЎТКАЗИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**Абдураимова Мафтунахон Ахматовна –
ТМИ доценти PhD**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a36

Аннотация. Ушбу мақолада суғурта ташкилотларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва натижаси ўлароқ, аудиторлик текширувларини ташкил қилиш жараёнлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, таҳлил қилиш жараёнлари, суғурта ташкилоти фаолиятини комплекс ҳолда баҳолаш, суғурта аудитини ўтказиш концепцияси халқаро амалиёт бўйича ёритиб берилган. Юқоридагилардан ташқари мақолада молиявий ҳисобот тузиш бўйича олимларнинг қиёсий фикри берилган. Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилиш, аудит натижаларини умумлаштириш юзасидан таҳлилий амалларни қўллаш ва самарали текширув натижалари ҳақида фикр юритилган. Шу билан бир қаторда, мақолада суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш методологияси бўйича муҳим хулосалар ва амалий тавсиялар бериб ўтилган, бу билан илмий мақоланинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: суғурта ташкилоти, аудит, ички назорат, молиявий ҳисобот, аудиторлик хулосаси, аудит халқаро стандартлари, қиёсий кўрсаткичлар, таҳлилий амал.

Абдураимова Мафтунахон Ахматовна -
Ташкентский финансовый институт

Аннотация. Основываясь на характеристиках страховых организаций, в данной статье рассматриваются процессы организации бухгалтерского учета и, как следствие, организации аудитов. Также в статье описана процедура бухгалтерского учета страховых организаций, процессы анализа, комплексная оценка деятельности страховой организации, концепция страхового аудита в соответствии с международной практикой. В дополнение к вышесказанному, в статье приводится сравнительное мнение ученых о финансовой отчетности. Обсуждались организация аудитов в страховых организациях, применение аналитических процедур для обобщения результатов аудита и результаты эффективных аудитов. Кроме того, в статье приводятся важные выводы и практические рекомендации по методологии аудита страховых организаций, тем самым раскрывается суть научной статьи.

Ключевые слова: страховая организация, аудит, внутренний контроль, финансовая отчетность, аудиторский отчет, международные стандарты аудита, сравнительные показатели, аналитическая практика.

METHODOLOGY OF AUDITING INSURANCE ORGANIZATIONS

Abduraimova Maftunakhon Akhmatovna -
Tashkent Institute of Finance

Abstract. Based on the characteristics of insurance organizations, this article considers the processes of organizing accounting and, as a result, organizing audits. Also, the article describes the procedure of accounting of insurance organizations, analysis processes, comprehensive assessment of insurance organization's activities, the concept of insurance audit according to international practice. In addition to the above, the article provides a comparative opinion of scholars on financial reporting. Organization of audits in insurance organizations, application of analytical procedures for generalization of audit results, and results of effective audits were discussed. In addition, the article provides important conclusions and practical recommendations on the methodology of auditing insurance organizations, thereby revealing the essence of the scientific article.

Keywords: insurance organization, audit, internal control, financial reporting, audit report, international audit standards, comparative indicators, analytical practice.

Кириш. Иқтисодиёт тармоқларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш шароитида ҳар бир соҳанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб ишларини ташкил қилиш ва натижаси ўлароқ, аудит ўтказиш жараёнларини олиб бориш ўша соҳанинг янада такомиллашишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон бозорининг жаҳон бозорига интеграциялашуви кенг миқёсда халқаро стандартларни мамлакатда қўллаш имкониятини юзага келтирмоқда. Зеро, айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда аудиторлик текширувини халқаро талаблар асосида ўтказиш масалалари ҳар томонлама талаб даражасида ва долзарб бўлиб қолмоқда. Суғурта ташкилотларида аудиторлик текшириш натижалари юзасидан аудитор хулосаси суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби юритилиши билан боғлиқ ишончилиги тўғрисидаги фикрини ифодалайди. Суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби, аввало, халқаро стандартлар асосида тузилган бўлса, улардан дастлабки фойдаланувчилар ва қизиқиш билдирдиганлар, инвесторлар учун муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Талаб доирасида аудит натижалари асосида аудиторлик хулосасини расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур шароитда аудиторлик текширувларининг натижаси ҳисобланган аудиторлар то-

монидан ўзига берилган топшириқ бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботларининг шакли, таркибий тузилиши ва уларни умумлаштиришнинг халқаро мезонлари асосида тузиш муҳим саналади. Аудитор ўз ҳисоботлари асосида умумий аудитнинг суғурта ташкилоти фаолияти ва уни таҳлил қилиш натижасида бериладиган хулосанинг ишончилигига ҳар томонлама эътибор қаратиши лозим. Чунки халқаро доирада тузилган ҳисоботнинг ишончилиги ва норма талабларига мувофиқ тушиши молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун янада кўпроқ қизиқиш ортишига сабаб бўлади.

Халқаро амалиётда суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, таҳлил қилиш асослари, суғурта ташкилоти фаолиятини комплекс ва узвий ҳолда баҳолаш, суғурта аудитини ўтказиш концепцияси, аудиторлик текширувини ташкил қилиш услублари, умуман олганда, суғурта ташкилотларини текшириш бўйича ягона асосни ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада ўзбек олимлари ҳам ўзларининг ишлари билан хориждан ортда қолишгани йўқ.

Хусусан, Б.Алимов, И.Очилов каби олимларимиз айнан суғурта фаолиятининг ҳисоб, таҳлили бўйича ўзларининг илмий ишларини эълон қилишган.

Шу борада айтиб ўтишим лозимки, бу соҳада аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ҳисобига жаҳон капитал бозорининг катта ҳажмдаги оқими мамлакатимизга кириб келишига эришиш мумкин бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ишончилилик даражаси молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун муҳим аҳамият касб этади. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчи ҳар бир шахс, ўз навбатида, ишончли маълумот олишдан манфаатдор саналади.

Суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида аудиторлик текширув натижалари, албатта, аудитор фикри ёки хулосаси билан расмийлаштирилади.

Janina Mühlnickel, Gregor N.F.Weiß суғурта ташкилотларида ёки умуман, барча иқтисодий субъектларда харажатларни минималлаштиришга қаратилган шартнома тузиш амалиётлари консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, суғурта ташкилотлари сони, тури мавжудлигига ички аудит хизмати чамбарчас боғлиқ бўлади [3].

В.И.Подольский аудитни ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ҳисоботлари текширувларини амалга ошириш бўйича аудиторларнинг тадбиркорлик фаолияти деб таърифлайди [4].

А.Ж.Туйчиев аудиторлик текширувининг муҳим бирламчи аҳамиятли томонларидан бири унинг тамойиллар (режалаштириш, ҳисоб-китоблар, ҳисобот бериш ва мувофиқлик) асосида ўтказилишидир. Яъни текшириладиган корхонанинг самарадорлиги ушбу корхона молиявий ҳисоботларининг самарадорлиги асосида ўлчанади, дея таъкидлайди [5].

Амалиётчи Н.Н.Кузьминов суғурта ташкилотларида бухгалтерия хусусиятини очиб бериш ва аудиторлик текширувларига алоҳида тўхталиб ўтган ва уларни камайтиришнинг қуйидаги учта асосий шакллари айтиб ўтган:

1. Рисклардан огоҳлантириш ва келажакда содир бўлиши юқори бўлган рискларнинг олдини олиш учун зарур бўлган чораларни кўриш.

2. Рискларни локаллаштириш орқали унинг тарқалиши олдини олиш ва имкон қадар қисқа вақт ичида хавфни бартараф этиш.

3. Тасодифан юзага келган рисклар натижасида кўрилган зарарларни қоплаш [6].

Аудит назарияси ва амалиёти соҳасида таъкид америкалик мутахассис проф. Ж.Робертсоннинг таъкидлашича, аудиторлик текшируви тадбиркорлик хатарини камайтиришга қаратилган фаолиятдир. Сўнгра у аудит молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун ахборот хатарини мақбул даражагача камайтиришга

кўмаклашади, деб хулоса беради [7].

И.Қўзиев, А.Хашимов, Ш.Хашимова эса аудитор фикрини аудиторлик текшируви натижасида молиявий ҳисобот кўрсаткичларига берилган баҳо деб таърифлайди [8].

С.Меҳмоновнинг фикрича, аудиторлик текширувининг якуний босқичи аудитор ўрнаётган ташкилотда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида юритиладиган иш ҳужжатларининг сифатига баҳо бериши, бу молиявий ҳисоботлар аниқлигига таъсир этувчи хатолар вужудга келиш эҳтимолини аниқлаш, баҳолаш асосида аудиторлик амалларининг мазмуни, миқёси ва сони аниқлигига баҳо бериш жараёнидир [9].

А.Авлоқулов эса аудиторлик текширувининг натижасини иш сифатига боғлаб, қуйидагиларни таъкидлайди. Аудиторлик хизматларини кўрсатишда унинг сифатини ошириш муҳим ҳисобланади. Аудит иши сифати қанчалик юқори бўлса, аудиторлик rischi шунчалик паст бўлади. Шу боисдан аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади [10].

А.Аренс ва Дж.Лоббежнинг фикрига кўра, мустақил аудитор томонидан молиявий ҳисоботларни мунтазам равишда текширишнинг мақсади ҳисоботнинг молиявий аҳволи, фаолият натижалари, шунингдек, умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига мувофиқ пул маблағларини тавсифловчи холислик даражаси ҳақида фикр юритишдир. Турли соҳаларнинг ўзига хос жиҳатлари молиявий ҳисоботда акс эттирилади [11].

М.Абдураимова эса ўзининг қарашларида, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботини текшириш макроиқтисодий даражада аҳамиятли бўлиб, аудиторлик текширувининг фаолият юритиши қуйидагилар билан белгиланади:

1. Суғурта ташкилотининг молиявий ҳисоботини текшириш ва натижалардан манфаатдор фойдаланувчилар қарорлари учун, суғурта ташкилотига қизиқиш билдирган шахслар, давлат органлари ва жамоатчилик учун қўлланилади.

2. Суғурта ташкилотининг молиявий ҳисоботини аудит ўтказиш жараёни бир қанча сабаблар оқибатида бузилиши ёки бўлмаса, маълумотларнинг етарли бўлмаслиги натижасида аудитор ўзи кутган мақсадга эришолмаслиги мумкин. Масалан, суғурта ташкилотда захиралар шакллантиришда меъёрий талабга риоя қилинмаган, молиявий ҳисоботларида содир бўлган операциялар ноаниқликка эга, бу эса ҳар жиҳатдан субъектга бориб тақалиши ва шунга ўхшаш бир қанча жараёнларни санаб ўтган [12].


Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, муаллифлик таърифини берадиган бўлсақ, суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувнинг натижаларини расмийлаштириш аудитор профессионаллик асосида аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ва молиявий ҳисобот ишончилигини холис ва ҳалол текшириш натижалари юзасидан хулоса ёки фикри билан акс эттириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Суғурта ташкилотларида аудиторлик текшируви натижаларини шакллантириш хар хил ахборотларни қайта ишлаш, далил йиғиш, ягона асосни шакллантириш юзасидан аудитор фикри ҳисобланади. Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилиш ва натижаларини умумлаштириш юзасидан таҳлилий усуллар билан бир қаторда математик усуллар ва шунга ўхшаш бир қанча усулларни қўллаш орқали текширув натижалари самарадорлигига эришиш мумкин бўлади.

Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилиш ва натижаларини умумлаштириш юзасидан йўналишларини очиб беришда қўлланилган таҳлил усуллари, албатта, илмий мақоланинг мазмун-моҳиятини очиб, унинг сифатини оширишга хизмат қилади, ушбу тадқиқотга оид таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувдан ўтказиш натижаларини умумлаштириш жараёни аудитор томонидан амалга оширилган ишларнинг энг якуний босқичи ҳисобланиб, унда аудитор томонидан қилинган ишлар ва текширув натижалари умумлаштирилиб, аудитор хулосасида ўз аксини топади.

Аудитор томонидан хулоса беришдан олдин текширув натижалари умумлаштирилади ва баҳоланади. Аудит натижаларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:



1-расм. Аудит натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудиторлик текширувнинг натижалари асосида тузилган ҳисоботда корхона фаолияти ва унинг натижалари, умумий аҳволи, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тузиш ҳолати, умуман олганда, корхонанинг ҳисоб тузилмаси акс эттирилади.

Аудит натижаларини умумлаштиришда аудитор ҳисоботида келтирилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим.

Аудитор суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида:

биринчидан, суғурта ташкилотининг ички тузилиши, ички муҳити, қарорлар қабул қилиш жараёни, ваколатларни тақсимлаш тизими билан танишади;

иккинчидан, суғурта ташкилотида моддийликларни бошқариш ва доимий мониторинг ўтказиб туриш имкониятини ўрганади;

учинчидан, суғурта ташкилотида учраши мумкин бўлган эҳтимоли юқори рискларни аниқлайди ва таҳлил қилиб, бўлим фаолияти билан яқиндан танишади;

тўртинчидан, мижоз корхонада шакллантирилган ахборотлар базаси билан танишади;

бешинчидан, суғурта ташкилотида ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун етарлича аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудиторлар мавжуд ва уларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ҳар йили аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг сони анчагина ортиб борган.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Аудиторлик ташкилотлари	96	99	96
Аудиторлар	558	572	651

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасида таъкидланганидек, аудиторлик ташкилоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган аудиторларнинг энг кам сони штатдаги камида тўрт нафар аудитордан иборат бўлиши керак [1].

Шунингдек, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг сони ортиши аудит хизматлар бозорининг такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради.

Суғурта ташкилотларида содир бўлган операциялар ва счётлар бўйича қолдиқларни молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри, тўлиқ ва аниқ акс эттиришни, муомалалар мазмунида мавжуд бўлган хатоликларни ўрганишни кўзда тутаяди. Аудитор томонидан юқоридаги жараёнларни текшириш мижоз фаолияти ҳақида батафсил маълумот олиш учун

танлашнинг режалаштирилган қўламини ва объектларини саралаб олиб, танлов тўпламини шакллантириш ва ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилишини назарда тутаяди.

Аудитор суғурта ташкилотларини текширувдан ўтказишда қуйидагиларни аниқлаши лозим: муайян вазиятда қандай усулларни қўллаши кераклиги, у ёки бу усулни қайси объектларга нисбатан қўллаш зарурлиги, аудиторлик амалларини қандай кетма-кетликда бажаришни. Умуман олганда, аудитор суғурта ташкилоти фаолиятини текширишда риск даражаси юқори бўлган бўлимларига алоҳида оптимал текширувни амалга ошириши керак.

Қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши

	Хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидаги улуши, %		
	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони жами	100	100	100
Шу жумладан:			
Тоғ-қон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2,1	1,7	1,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	13,3	13,1	15,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1,8	2,3	1,9
Қурилиш	8,7	9,1	8,4
Ташиш ва сақлаш	3,4	3,2	2,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4,6	5,8	4,0
Улгуржи ва чакана савдо	11,7	11,9	11,2
Молиявий ва суғурта фаолияти	4,3	4,5	4,4
Бошқалар	50,1	48,4	51,1


Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, молиявий ва суғурта фаолияти йиллар кесимида ортиб борган бўлса ҳам, улуши жуда кам. Сабабини ўрганадиган бўлсак, бу жараён, албатта, суғурта ташкилотларининг сони ва фаолиятига бориб тақалади.

Умуман олганда, мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантириш учун шу мамлакатнинг барча тармоқларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Суғурта ташкилотининг молиявий ҳисоботларини текшириш юзасидан хулосаси аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи ишончлилиги тўғрисидаги фикрини

ифодалайди. Суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботини текшириш натижаларини расмийлаштириш тартиби, аввало, халқаро стандартлар асосида тузилган бўлса, улардан дастлабки фойдаланувчилар ва қизиқиш билдирадиганлари инвесторлар бўлиб хизмат қилади. Уларнинг талаби доирасида ташқи аудит натижалари асосида аудиторлик хулосасини расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Аудиторлик ташкилотлари суғурта ташкилотларининг фаолияти юзасидан текширув натижаларини қуйидаги аудит халқаро стандартлари асосида амалга оширади.



2-расм. Халқаро аудит стандартлари асосида аудитор фикрини шакллантириш

Манба: Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудитор фикрини ифодалашда 700-сонли аудит халқаро стандартларидан бирига мурожаат қилади:

Аудиторлик ҳисоботининг таркибий тузилиши қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади: номи, адресати, кириш параграфи, қайд этиш қисми, аудитор фикри, аудиторнинг имзоси, аудиторлик ҳисоботи санаси ва манзили.

Унга асосан кириш параграфида аудит ўтказиш жараёни қайси фаолият бўйича ўтказилганлиги, молиявий ҳисобот таркиби, аудит ўтказиш даври, ҳисоб сиёсати ва изоҳлар, молиявий ҳисобот санаси ва даври аниқ кўрсатилади. Халқаро стандартга асосан аудит ўтказилаётган ташкилот раҳбари молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарлиги белгиланади. Аудиторнинг жавобгарлиги эса молиявий ҳисоботлар бўйича ўзи ўтказган аудит асосида ўз фикрини билдиришдан иборат. Аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботлар бўйича барча муҳим жиҳатларни ҳаққоний акс эттиришдан иборат ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботи ва унинг асосида фикр ҳосил қилишда аудитор томонидан танлаб текшириш жараёни амалга оширилади. Сабаби суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботини текширишда унинг даромадлари, харажатлари ва захираларига асосий эътибор қаратилади. Айтиш жоизки, улар билан боғлиқ операциялар жуда мураккаб ва кўп вақтни оладиган ҳамда катта кучни талаб этади. Шунингдек, жами тек-

шириладиган объектлар ҳажми танлаш ҳажмига аҳамиятсиз таъсир кўрсатиши математик жиҳатдан исботланганлиги сабабли текширишда объектларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, аудиторлик танлови ўта пухта режалаштирилган бўлиши керак, аудитор объектни текширишда кам вақт ва меҳнат талаб қиладиган самарали услубни танлаши зарур.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Илҳомов аудиторлик хулосасининг текширувдаги ўрни бўйича қуйидаги фикрни ифодалайди: «Аудиторлик стандартларининг ички назорат тизimini баҳолаш бўйича гуруҳланишида аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси аудиторлик текширувининг яқунловчи босқичи ҳисобланади» [12] Яъни ички назорат тизимини баҳолаш жараёнида аудиторлик ҳисоботининг яқунловчи босқичида аудиторлик хулосасига асосий эътибор қаратилган.

Хулоса ва таклифлар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ўтказиш масаласи ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Сабаби суғурта ҳам ўзининг махсус хусусиятлари ва тармоқ фаолиятига эга. Шундай экан, аудитор томонидан текширув натижалари аудитор ҳисоботи ва хулосасида ўз аксини топади.

Аудитор томонидан тузиладиган хулоса учун аудиторлик ҳисоботи асос бўлиб хизмат

қилади. Аудитор суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижасида олган далил ва маълумотлари ишончилигини таъминлай олса, у томонидан бериладиган аудиторлик ҳисобот ва хулосаси ҳам шунчалик аниқликда расмийлаштирилади.

Суғурта ташкилотларининг аудиторлик текшируви давомида ташкилотда қўлланиладиган операциялар ҳисоби методикаси суғурта фаолияти ҳақида амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга мослиги, тушумнинг тан олиниши, суғурта ҳисоби ва таннархини калькуляциялаш амалдаги қонунлар ва ички меъёрий ҳужжатларга мослиги аниқланади; ҳисоботларнинг ҳамма турини амалга оширишда хато ва бузилишлар, уларнинг молиявий ҳисоботла-

ри ишончилигига таъсири аниқланади; маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш резервлари аниқланади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Аудитор томонидан суғурта ташкилотларини текширишда, аввало, аудитор аудит стратегиясини тузишда суғуртанинг хусусиятидан келиб чиқиб ёндашувни танлаши керак.

2. Аудитор текширувни бошлашдан олдин, албатта, суғурта ташкилотининг ички назорат тизими билан яқиндан танишиб, етарлича маълумотга эга бўлиши керак.

3. Аудитор текширув жараёнларини оптималлаштириш учун, албатта, тармоқнинг риск ҳудудини танлаб, текширувнинг кўп қисмини ўша ҳудудга тарғиб қилиши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 йилдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 23.11.2021 йилдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сонли қонуни.
3. Janina Mühlnickel, Gregor N.F. Weiß. Consolidation and systemic risk in the international insurance industry. *Journal of Financial Stability*. Volume 18, June 2015, pages 187-202.
4. Аудит. Учеб. для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / Под ред. В.И. Подольского. Изд. 4-е, перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 494 с.
5. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 1-сон, февраль, 2018 йил. www.interfinance.uz
6. Кузьминов Н.Н. Особенности бухгалтерского учета в страховых компаниях. “Для руководителей и бухгалтеров страховых аудиторов, преподавателей, студентов и слушателей экономических факультетов и специальных курсов”. – Анкил, 2000 г.
7. Робертсон Дж. Аудит. Пер. с англ. – М.: КРМГ, Контакт, 1993. – 496 с.
8. Қўзиев И.Н., Ҳашимов А.Р., Ҳашимова Ш.М Аудиторлик ҳисоботи асосида аудитор фикрини шакллантиришнинг математик методлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 2-сон, апрель, 2017.
9. Меҳмононов С. Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини такомиллаштириш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 1-сон, февраль, 2018 йил.
10. Авлоқулов А. Аудиторлик ташкилоти иши сифатини назорат қилиш йўналишлари. // *Iqtisodiyot va ta'lim*. 2022-yil, 6-son.
11. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. / Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.
12. Абдураимова М. “Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботини тузиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси. 2020 йил.
13. Илҳомов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубиёти. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 187 б.
14. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 1-жилд. – Т.: ЎБАМА, 2014. – 1039 б.
15. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 3-жилд. – Т.: ЎБАМА, 2014. – 1502 б.
15. <https://www.theiia.org> The Institute of Internal Auditors.
16. <https://mfuz>



МҲХС АСОСИДА ТУЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a37

Козимжонов Абборбек -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Бухгалтерия ҳисоби катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритиб берилган. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг фарқли жиҳатлари ва уларни тузиш йўллари кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, МҲХС, БҲМС, молиявий ҳолат, фойда, зарар.